

АСЛИЯТ ВА ТАРЖИМАДА ҚИЁСИЙ ТИПОЛОГИК ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ

З.Эрданов

НавДПИ катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7041703>

Аннотация. Қиёсий таржимашуносликнинг бугунги муаммолари, таржимада аслият, аслиятга мос ифода яратилиш масалалари, таржима жараёнида ноадекватлик ҳамда муқобил қиёсий типологик ҳодисаларини танлаш имкониятлари хусусида фикр юритилган.

Калим сўзлар: компаративистик ифода воситалари, зоявий-бадий пафос, адекват, ноадекват, матн боти.

РОЛЬ СОПОСТАВИТЕЛЬНО-ТИПОЛОГИЧЕСКИХ СРЕДСТВ В ОРИГИНАЛЕ И ПЕРЕВОДЕ

Аннотация. Обсуждаются современные проблемы сопоставительного переводоведения, оригинальности в переводе, вопросы создания выражения, соответствующего оригинальности, неадекватности в процессе перевода, возможности выбора альтернативных сравнительно-типологических явлений.

Ключевые слова: сопоставительные средства выражения, идейно-художественный пафос, адекватный, неадекватный, текстовый бот.

THE ROLE OF COMPARATIVE-TYPOLOGICAL MEANS IN THE ORIGINAL AND TRANSLATION

Abstract. Modern problems of comparative translation studies, originality in translation, issues of creating an expression corresponding to originality, inadequacy in the translation process, the possibility of choosing alternative comparative typological phenomena are discussed.

Keywords: comparative means of expression, ideological and artistic pathos, adequate, inadequate, text bot.

КИРИШ

Ўзбек таржимашунослиги кўп асрлик тарихга эга. Бу масалага замонавий филология нуқтаи назаридан ёндашганимизда, ўзбек бадий таржимашунослиги ва қиёсий адабиётшунослигида жуда кўп мутаржимлар, таржимашунос олимлар, таржима назарияси бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган тадқиқотчиларнинг фаолиятидаги таржима ишларининг мазмун ва моҳияти, йўналишлари ҳақида ижобий ҳамда салбий, айрим ҳолатларда мунозарали фикрлар билдиришимизга тўлиқ асос бор. Мазкур соҳадаги эришилган ютуқлар ва муаммоларни ушбу тадқиқотнинг мазмунига сингдирилган айрим илмий хулосаларимиз натижалари воситасида тавсифлашга ҳаракат қиламиз.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ўзбек таржимашунослиги тарихи, юқорида қайд этганимиздек, бугунги ё кечаги даврдан бошланмасдан, балки бир неча аср олдин бажарилган таржимашунослик соҳасидаги ишлар кўлаmidан келиб чиқиб баҳоланади. Бунга машҳур таржимон Қутб Хоразмийнинг таржимонлик фаолияти ёрқин мисол бўла олади. Таржимашунос олима ва шоира Бегойим Холбекованинг тадқиқотларида буюк адибларимиз асарларининг бир неча аср илгари инглиз, француз, немис бошқа Ғарб тилларига таржима қилинганлиги ҳақида маълумотлар берилади. Жумладан, хоразмлик шоир Қутб Хоразмий 1340 йилда Низомий

Ганжавийнинг «Хисрав ва Ширин» асарини ўзбек тилига таржима қилди. Қутбнинг бу таржима асари X асрдан то XIV асргача бўлган бадиий таржима асарлари ичида энг фундаментал ва юксак бадиий маҳорат билан таржима қилинган бирдан-бир асардир. Бу бадиий таржима ўз замонасида жуда катта ижобий роль ўйнади ва ўзбек халқининг бадиий таржима соҳасидаги дурдона асари сифатида машҳур бўлди. Таржима тарихини барпо этишда Қутб Хоразмий номи алоҳида тилга олиниб, зўр фахр билан эсланади. У улуғ шоир Низомий Ганжавийнинг асарини ўзбек тилига таржима этар экан, ўзбек тилининг куч-қудратини кўрсатиб қўйди. Қутб Хоразмий ўз замонасининг илғор ва кучли шоири, классик адабиётнинг атоқли намояндаларидаи биридир. Унинг бошқа таржималари ҳақида бизгача бирон маълумот етиб келмаган. «Хисрав ва Ширин» таржимасининг қўлёзмаси Парижда «Национал библиотек»да сақланади. Бу асарнинг фотокопияси 1939 йилда Ўзбекистон фанлар академияси қошида тузилган Навоий қўмитасининг ташаббуси билан Париждан олдирилган эди. 1940 йилда уни Навоий қўмитасининг ходими, таниқли адабиётшунос олим Ҳоди Зарифов нашрга тайёрлади. Бу асарни таниқли олим Жуманиёз Шарипов таҳрир қилган эди, аммо уруш бошланиб қолганлиги туфайли нашр этилмади. Ўша пайтда нашрга тайёрланган нусха Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида сақланмоқда. «Ўзбек адабиёти» хрестоматиясининг 1-жилдида бу асардан айрим парчалар чоп этилган. Қутбнинг таржимаи ҳоли ҳақида эса аниқ маълумотлар йўқ.

Қиёсий адабиётшунослик муаммолари таржимашуносликда салмоқли аҳамиятга эга. Қиёсий типологиянинг таҳлил объекти сифатида кўп жиҳатлардан таржима билан чамбарчас боғлиқ томонлари мавжудки, бу соҳани тадқиқ этишда Н.Каримов Ж.Бўронов, М.Абдураззоқов, В.Г.Гак, В.Аракин ва шу каби таниқли компаративистика соҳасидаги олимлар асарларига таяниш мумкин. Аслият бадиий-тасвирий ва ифода воситалари вазифалари таржимада мутаржимнинг илмий-амалий далиллардан холи шахсий мулоҳазалари, ҳукми заминида эмас, балки аслият ва таржима тиллари компаративистик ҳодисаларининг илмий-қиёсий таҳлили негизида қайта яратилиши зарур. Бадиий асар таржимаси аслият ва таржима тиллари қиёсий типологик воситалари чоғиштирма таҳлили асосига қурилиши лозим. Бу эса таржимашунослик хулоса ва умумлашмаларининг ҳам шу негизга кўчирилишини тақозо этиб, филология фанининг нисбатан янги тадқиқот мавзуи сифатида турли жуфт тиллар компаративистик воситаларининг вазифавий уйғунлигини ўрганадиган соҳа қиёсий адабиётшуносликнинг пайдо бўлишига кўмаклашди. Негаки, истеъдод ва маҳорат талаб этадиган ғоят мураккаб таржима жараёни икки тил компаративистик ифода воситаларининг мазмуний-услубий ва ҳиссий-таъсирчан жиҳатларининг мунтазам таққосланиши билан узвий боғлиқдир.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Қиёсий адабиётшунослик талаб ва қоидаларига кўра аслиятга мос ифода яратиш учун кўп ҳолларда моддий аниқликдан воз кечишга, баъзан эса атайлаб аслият матнидан узоқлашилгани ҳолда, таржима тилида унга мазмун ва типологик вазифа жиҳатларидан уйғун воситалар қидириб топишга тўғри келади. Бу жараён асарнинг умумий ғояси ва пафосини, муаллифнинг индивидуал ижодий услубини, асар яратилган даврнинг ўзига хос адабий-ижодий йўналишини ва асар тилининг жанр хусусиятини ҳар доим ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Чунки қиёсий типологик воситалар хилма-хил матний вазиятларда ранг-баранг қиёсий типологик вазифалар ифодаси учун хизмат қиладикки,

бундай тафовутли нутқий-матний ҳолатларнинг ҳисобга олиниши тасвирнинг ўзига хослигини юзага келтиради. Айни жараён таржимада аслиятни ташкил қиладиган қиёсий типологик ҳодисалар воситасида ифодаланган турли-туман фикрлар, бадиий тасвирлар ҳамда бадиий-эстетик жиҳатдан қайта ижодий яратиш орқали амалга ошириладиган бадиий жараёнлар таҳлил объектида бўлади. Бундай пайтда таржимон зиммасига ўз она тилининг битмас-туганмас бойликларидан унумли фойдаланиш орқали аслиятда мужассамлашган бадиий услубий таъсирчанликни муаллиф назарда тутган моҳиятга мос жонлантириш вазифаси юклатилади, натижада, юзага келган янги бадиий матн ботини аслиятнинг мукамал ифодаси сифатида намоён бўлади.

Бадиий асарлар таржимаси таҳлили шундан гувоҳлик берадики, жумладан, Зулфия асарлари таржимасида аслиятнинг оҳорини, ўзига хос тил ва услубини, бадиий тасвир ва ифода воситаларини, бадиий-эстетик қувватини тиклаш масъулияти унинг асл нусхага зоҳирӣ, яъни моддий жиҳатдан айнан мослигидан воз кечиб, вазифавий уйғунлигини вужудга келтириш заруратини туғдиради. Бироқ ҳар бир миллий тилдаги тафаккур тарзининг мустақил ҳолда шаклланиши, бинобарин, икки ёки бир неча тил қиёсий типологик воситалари ифода усуллари ва мазмуний хусусиятларининг аксарият ўзига хос кўринишларда намоён бўлиши туфайли, табиийки, таржима тилида аслият ҳодисалари мазмуний-услубий вазифаларини акс эттирадиган муқобил воситалар баъзан номувофик келиши, топилмаслиги мумкин.

Умр ўтмакда... Ўқинчдан йўқ из,

Қалб меҳнатга, қаламга чанқоқ.

Гоҳ бахтсизлик ютар бахтимиз,

Лекин ҳаёт дилбардир ҳар чоқ.

Яйратганда яйрадим хушбахт,

Синганим йўқ чалса-да бўрон.

Гарчанд мен бир кам ҳосил да

Неъматимда тирикдир ҳис, жон.

Зулфия шеърига мансуб мазкур парчадаги мазмун қуйидагича ифодаланган:

Life is passing... there is no mark of regret,

For labor and pen, soul is desperate.

Misfortune takes our fortune sometime,

But the life, s fascinating sublime.

I enjoyed in pleasant time happily, free,

I haven't fallen even, when it's blizzard.

Though, I'm less harvest tree,

My sense's alive, alive my heart.

“Умр ўтмакда” (иккинчи варианты “умр ўтмоқда”) жумласи таржимаси инглиз тили билан лексик-семантик жиҳатдан тенг адекват ҳолатда. Инглизча вариантыдаги “Life is passing” жумласида фақат ёрдамчи феъл боғлама – is ишлатилган.

Иккинчи бандда эса юқоридагига қараганда бошқачароқ манзарани кўрамиз, яъни “Яйратганда яйрадим хушбахт”, инглизча вариантыда лексик-семантик тартиблиликка ёки сўзма-сўз таржима принципига мос келмаганлигини кўрамиз: “I enjoyed in pleasant time happily, free”, яъни “яйратганда яйрадим” сўзлари ўзбек тилида бир ўзакли “яйрамоқ”

феъли негизида берилгани билан инглиз тилида бу сўзлар тартиби мазмун жиҳатдан ҳам шакл жиҳатдан ҳам сўзлар тартиби бузилган.

Бу жараёнлар М.Холбеков тадқиқотларида таржимон таржима амалиётининг бошқа ижодий усуллари билан бир қаторда, гоҳо таржима амалиётининг тасвирий усулига, унинг фонетик, фонологик, морфонологик, орфоэпик хусусиятларига таянишга мурожаат қилиши кўрсатилади. Айни йўл масаланинг мақсадга мувофиқ ечим топишини анлатмайди. Чунки ушбу пайтда тил бирликларининг муаллиф ёки асар қаҳрамонлари хис-ҳаяжонини, у ёхуд бу воқеа-ҳодисаларга нисбатан баҳосини ифодалайдиган кўшимча маъноли лисоний воситалари таъсирсиз сўз ва сўз бирикмалари ёрдамида бадиий таъсирчан бўлмаган ҳолда ўгирилади. Бундай йўл танлаш, яъни йўқотиш таржимоннинг ўз тили, фикр баён қилиш имкониятларидан унумли фойдаланиши натижасида матннинг бошқа ўринларида тикланиши мумкин.

Бундан ташқари, аслият таркибида унинг миллий хусусиятларини белгилайдиган сон-саноксиз қиёсий типологик воситалар ҳам учраб турадики, бундай ўзига хос бўёқли бирликларга тарихий-маданий жараён соҳиблари бўлмиш халқлар лафзида гоҳо муқобил қиёсий типологик ҳодисаларини танлаш имкони борлиги маълум бўлади. Мазкур бўшлиқ таржимоннинг аслият соҳибларига хос баъзи миллий хусусиятларга мурожаат қилиши орқали таржима бадиий матни доирасида тўлдирилади. Бу воситаларсиз ҳеч бир таржима асари ўз мақсадига эриша олмайди. Масалан, аслият, одатда, муайян функционал бадиий услублар (илмий, китобий, поэтик, оғзаки, газета ва бошқалар) таркибига кирар экан, таржимада унинг шу хусусияти ўзига хос меъёр асосида қайта яратилиши лозим. Гоҳо икки тил бадиий жанрларининг қиёсий типологик хусусиятлари ўзаро мос келмаслиги сабабли, таржимада бевосита ва билвосита бадиий воситаларидан фойдаланиш ифода меъёрининг бузилишига олиб келади. Шундай ҳодисалар айрим ҳолатларда Зулфия асарларининг инглизча таржималарида ҳам учрайди.

Аслиятда:

Етса дея куйим дўст элга,

Ёнар излаш ўтида қалам.

Заҳматкашни олганда тилга,

Эласангиз зора мени ҳам!

Инглизча таржимаси:

May my song will find nation, friend,

Burns pen in searching intend.

When you utter toiler and,

May mention me too, that moment!

МУҲОКАМА

Демак, юкоридаги илмий хулосаларимиздаги фикрларга мазкур асардан олинган парчадаги барча инглизча таржима жараёнларидаги ҳолат тўлиқ мос келади. Бу ерда барча сўзлар тўлиқ таржимада инглиз тилига мос ёки тенг келмаган. Бу ҳолатларни рус олими Комиссаров ноадекват таржима деган термин ёки атамадан фойдаланиб талқин қилган. Бу – масаланинг бир томони. Иккинчи томони – таржимада ўзбекча сўзларнинг тўлиқ муқобилини инглиз тилидан топиш имконияти чекланган. Шу сабабга кўра ҳам мазкур парчада инглиз тилига таржима қилинганда ноадекватлик жараёнлари кўзга ташланади. Қолаверса, барча сўзлар ўзбекча-инглизча луғатларда берилган хусусияти билан бир-

бирига тенг келмайди. Шу ҳолат мазкур инглизчага қилинган таржимадаги парчада яққол намоён бўлган. Аслият тилининг ҳис-туйғуларга бойлиги, мисраларнинг мусиқийлиги, ўзига хос оҳанг таржимада ўз аксини топмаган.

ХУЛОСА

Демак, қиёсий адабиётшунослик ўз тадқиқий соҳаларидан бири сифатида аслият ва таржимада қиёсий типологик воситаларини қиёсий таҳлил қилиш орқали таржима амалиётини умумлаштириш вазифасини ўз олдига қўяр экан, унинг хулосалари аввало таржима матнининг аслиятга мослик даражасини белгилаш учун хизмат қилади.

REFERENCES

1. Мусаев К. Таржима назарияси асослари. Тошкент, “Фан” 2005. 12-61 б.
2. Холбекова Б. Zulfiya. I was love. Poems. Tashkent. “Akademnashr” p.41
3. Холбеков М. Таржимашунослик ва таржима танқиди. Тошкент. Наврўз. 2014. 19-81 б.
4. Зулфия. Шалола. Тошкент.:Ғафур Ғулом номидаги АС нашриёти, 1985. 247-б
5. Сравнительное литературоведение. Казань.2017. 314 с.// Хрестоматия. Составители: Аминиева В.Р., Ибрагимов М.И., Хабибулина А.З.; Изд. 2-е, испр. и доп. Тюмень : Изд-во Тюмень. гос. ун-та, 2011. 632 с.